



**O'ZBEKISTON STANDARTLASHTIRISH METROLOGIYA VA  
SERTIFIKATLASHTIRISH AGENTLIGI  
QARORI**

**Нон ва макарон маҳсулотлари хавфсизлиги тўғрисидаги  
махсус техник регламентни тасдиқлаш ҳақида**

Ўзбекистон Республикасининг “Техник жиҳатдан тартибга солиш тўғрисида”ги Қонунига мувофиқ, нон ва макарон маҳсулотларининг хавфсизлигига қўйиладиган ягона талабларни белгилаш мақсадида “Ўзстандарт” агентлиги **қарор қилади:**

1. “Нон ва макарон маҳсулотлари хавфсизлиги тўғрисида»ги махсус техник регламент (кейинги ўринларда техник регламент деб аталади) иловага мувофиқ янги нашрда тасдиқлансин ва 2020 йил 1 сентябрдан амалга киритилсин ҳамда унга О'z DSt 3212:2017 Давлат стандартига мувофиқ MTR.008:2020 белгиланиш берилсин.

2. Ўзбекистон Республикасининг “Техник жиҳатдан тартибга солиш тўғрисида”ги Қонунига мувофиқ техник регламентларни амалга киритилиши муносабати билан уларда кўрсатилган маҳсулотларни стандартлаштириш бўйича илгари қабул қилинган норматив ҳужжатлар мажбурийлик тусини йўқотиши ва белгиланган тартибда қўллашнинг ихтиёрийлик тусига эга бўлиши маълумот учун қабул қилинсин.

3. Техник жиҳатдан тартибга солиш бошқармаси (Ходжикариев), Стандартлаштириш, давлат назоратини мувофиқлаштириш бошқармаси (Хуснуллин), Стандартлар институти (Хамдамов), Техник жиҳатдан тартибга солиш, стандартлаштириш, сертификатлаштириш ва метрология соҳасидаги қонунчилик талабларига риоя қилинишини таъминлаш департаменти (Аманов), “UzTest” ДУК (Пўлатов), “Аккредитация Маркази” ДУК (Закиров) манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда **икки ой муддатда:**

мазкур техник регламент билан тартибга солинувчи маҳсулотларнинг намуналарини олиш, синов ва ўлчов усулларини белгиловчи техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар рўйхатини шакллантирсин.

4. “Ўзстандарт” агентлиги (Ходжикариев, Расулов), Департамент (Аманов), “UzTest” ДУК, “Ўздонмаҳсулот” АК билан биргаликда тасдиқланган техник регламентнинг мақсадлари, мазмуни ва уни қўллаш тартиби тўғрисида аҳоли ва тадбиркорлик субъектларини кенг хабардор қилинишини таъминласинлар.

5. “Ўзстандарт” агентлигининг 2017 йил 27 мартдаги МТР-8 сон қарори 2020 йил 1 сентябрдан ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

6. Мазкур қарор ижросини назорат қилиш бош директорнинг биринчи ўринбосари Д. Каттаходжаев зиммасига юклатилсин.

Бош директор

 Д. Саттаров

Тошкент ш.,  
«18» 02 2020 йил  
MTR.008:2020 - сон